

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАБАДЖАНОВА ЗАМИРА ХИКМАТОВНА**

**БИРЛАМЧИ ТИББИЙ БЎҒИНДА АҲОЛИГА НЕВРОЛОГИК ЁРДАМ  
КЎРСАТИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.13 –Неврология**

**14.00.33- Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Бабаджанова Замира Хикматовна**

Бирламчи тиббий бўғинда аҳолига

неврологик ёрдам кўрсатиш концепциясини

ишлаб чиқиш ..... 3

**Бабаджанова Замира Хикматовна**

Разработка концепции оказания неврологической

помощи населению на уровне первичного

звена здравоохранения..... 29

**Babadjanova Zamira Khikmatovna**

Development of the concept of providing

neurological care to the population at

the level of primary health care ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published work ..... 60**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БАБАДЖАНОВА ЗАМИРА ХИКМАТОВНА**

**БИРЛАМЧИ ТИББИЙ БЎҒИНДА АҲОЛИГА НЕВРОЛОГИК ЁРДАМ  
КЎРСАТИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.13 –Неврология**

**14.00.33- Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ-2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib369 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tirpe.uz](http://www.tirpe.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Гафуров Бахтияр Гафурович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бабаджанов Абдумурат Саттарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маджидова Якутхон Набиевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Магзумова Шахноза Шахзадаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Раимова Малика Мухаммеджановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007.Тошкент, Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: [info@tirpe.uz](mailto:info@tirpe.uz)).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси 51-уй. Тел/факс: (+99871) 268-17-44

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2021-йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.А.Акилов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.Х.Муратов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар в.б. раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Асаб тизимининг касалликлари ўлим ҳолати бўйича юракнинг ишемик касаллигидан кейин иккинчи ўринни эгаллаган ҳолда, 127,2 млн кишида, яъни Европа аҳолисининг 25,8% ида учрайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...неврологик хасталиклар-цереброваскуляр касалликлар, тарқалган склероз, эпилепсиялар, периферик асаб тизимининг касалликлари ва Паркинсон касалликлари сонининг доимий ўсиши кузатилмоқда»<sup>1</sup>. Бирламчи тиббий бўғинда тиббий ёрдамни, айниқса аҳолига оилавий шифокорларнинг неврологик ёрдам кўрсатишини оптималлаштириш билан боғлиқ кўплаб масалалар долзарблиги муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда бирламчи тиббий бўғинда аҳолига неврологик ёрдам кўрсатиш, касаллик олди босқичини эрта ташхислаш, нейродегенератив жараёни авж олишини секинлаштириш ва индивидуал даволашнинг замонавий ёндашувига қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бирламчи тиббий бўғинда неврологик касалликлар тарқалиши сабаблари, эрта ташхислашнинг юқори технологик диагностика усуллари ва даволаш мезонларини оптималлаштириш, даволаш усуллари ҳамда ўрта даражадаги когнитив бузилишларни ривожланиш омилларини ва прогнозини самарали моделларини яратиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бирламчи тиббий бўғинда оилавий шифокорлар даражасида асосий неврологик синдромлар белгиларини ташхислаш ва касаллик прогнозини оптималлаштириш ҳамда неврологик ёрдамни такомиллаштириш, профилактик фармакологик таъсир имкониятларинини баҳолаш кабилар ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида неврологик касалликларини тарқалиши хавф омилларини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик аҳолига тиббий ижтимоий ёрдам тўлақонлигини ошириш ва

<sup>1</sup> WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги” Фармони.

ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларга мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Бош мия томир патологияларини ташхислаш ва даволашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Department of Medicine, Section of Endocrinology, Nutrition and Diabetes, Boston University Medical Center, Boston (АҚШ); Robert Koch Institute (Германия); Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany (Германия); National Institute for Health and Welfare (Финляндия); Department of Medicine, University of Calgary, Calgary (Канада); И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт университети, Санкт-Петербург постдиплом таълим тиббиёт академияси (РФ), шунингдек Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилган.

Цереброваскуляр хасталиги бор беморларни даволаш ва ушбу касаллик профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, қуйидаги илмий натижалар олинган: жаҳонда ижтимоий соғлиқни сақлаш бўйича мутахассисларнинг эътибори аҳоли саломатлигини ҳимоялаш хизматининг асоси сифатида бирламчи тиббий бўғиннинг тобора ўсиб бораётган роли, жамиятда тиббий инфратузилманинг бош вакили сифатида оилавий шифокорлар фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги аниқланган (Robert Koch Institute (Германия)). Аҳоли бир турдаги гуруҳларида (1000 нафар киши) тиббий хизматларига эҳтиёж белгиланган вақт даври давомида 1 ой деярли бир хил нисбатда тақсимланган (Department of Medicine, Section of Endocrinology, Nutrition and Diabetes, Boston University Medical Center, Boston (АҚШ)): бирламчи тиббий бўғин оилавий шифокорига аҳолининг 98,5%и (National Institute for Health and Welfare (Финляндия), бу вақтда, иккиламчи ва учламчи бўғин муассасаларига - 11,5%и мурожаат қилган (Санкт-Петербург дипломдан кейинги таълим тиббиёт академияси (РФ)). Бирламчи тиббий-санитария ёрдами соғлиқни сақлаш тизимининг бемор биринчи бўлиб мурожаат қиладиган, асосий даражаси сифатида аниқланган (Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany

(Германия)). Ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида замонавий

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.ubc.ca](http://www.ubc.ca), [www.cmm.zju.edu.cn](http://www.cmm.zju.edu.cn), [www.sggw.pl](http://www.sggw.pl), [www.uc.edu](http://www.uc.edu), [www.med.stanford.edu](http://www.med.stanford.edu), [www.meded.hms.harvard.edu](http://www.meded.hms.harvard.edu), [www.uni-corvinus.hu](http://www.uni-corvinus.hu), [www.sfu.ca](http://www.sfu.ca), [www.en.jbnu.ac.kr](http://www.en.jbnu.ac.kr), [www.unina.it](http://www.unina.it), [www.edu.unideb.hu](http://www.edu.unideb.hu), [www.universiteitleiden.nl](http://www.universiteitleiden.nl), [www.tau.ac.il](http://www.tau.ac.il), [www.ufsc.br](http://www.ufsc.br), [www.gpma.ru](http://www.gpma.ru), [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz).

инновацион дастур - бирламчи тиббий-санитария ёрдами асосида исботланган (Achieving a High Performance Health Care System with Universal Access, 2013). Бирламчи тиббий-санитария ёрдами амбулатор шароитда аҳолида ўлим ва касалланиш ҳолатларини камайтириши ва аҳолининг турли гуруҳларида саломатлик кўрсаткичларидаги нотенгликни бартараф этиши исботланган, ҳамда 10 000 аҳолига 1 та бирламчи тиббий-санитария ёрдами шифокорининг ортиши ҳар 100 000 аҳолида 40 нафар инсон ўлимини камайтирган (Diagnosis-Related Groups in Europe). Бирламчи тиббий бўғинда ташхис қўйиш ва даволаш, тиббий ва иқтисодий самарадорлик стандартларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва такомиллаштириш баҳоланган (Wisconsin Epidemiologic Study of Diabetic Retinopathy, WESDR, Department of Ophthalmology and Visual Sciences, University of Wisconsin School of Medicine and Public Health, Madison, Wisconsin, АҚШ). Мияда қон айланишининг ўткир бузилиши эпидемиологик жиҳатлари, шунингдек беморларнинг мазкур тоифасига неврологик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги аниқланган (National Institute of Health, National Institute of Eye, АҚШ).

Жаҳонда неврологик касалликлари бўлган беморларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: неврологик касалликларни эрта ва кечки босқичларида когнитив бузилишлар ривожланишининг нейродегенератив жараёндаги боғлиқлигини эрта аниқлаш; касалликни ривожланишида асосий синдромлар хусусиятларининг ўрнини асослаш; бирламчи тиббий бўғинда оилавий шифокорлар даражасида асосий неврологик синдромлар белгиларини ташхислаш, касаллик прогнозини оптималлаштириш ҳамда неврологик ёрдамни такомиллаштириш ва индивидуал даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш кабилар шулар жумласидандир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бош мия қон томирлари шикастланиши кекса ёшли инсонлардаги когнитив бузилишларнинг энг кўп ва тез тарқалган сабаби бўлиб, сурункали етишмовчиликда когнитив фаолиятлар ҳолати бош мия шикастланишини намоён бўлиши билан коррелляцияланган (Е.А. Антипенко, 2016). Когнитив бузилишлар меҳнат қобилиятини йўқотишга олиб келувчи марказий асаб тизимининг касалликлари орасида иккинчи ўринни эгаллаши аниқланган (В.В. Захаров, 2017). Бош мия вена қон айланиши бузилиши хусусиятларини аниқлаш ҳамда мия қон айланиши бузилишларида унинг аҳамиятини баҳолаш мақсадида визуализациянинг замонавий технологиялари фаол ривожлантирилиши ва татбиқ этилиши билан аниқланган (Путилина М.В., Ермошкина Н.Ю., 2012). Церебрал қон айланишининг веноз бўлимини етарлича баҳоламаслик сурункали церебрал ишемиянинг клиник манзараси ва патогенези ўзгариши исботланган (Бабенков Н.В., 2013; Белова Л.А., Машин В.В., 2014). Клиникада интракраниал веналарни мақсадли тадбиқ қилиш ангиография ангио-режимда,

компьютер томограф ва магнит резонанс терапиядан фойдаланиб, ангиосцинтиграфия мия вена гемодинамикасини аниқлаш имкониятларини яратган (Дическул М.Л., 2014; Поспелова М.Л., 2011; Семенов С.Е., Шумилина М.В., 2015). Транскраниал доплерография бош мия томирлари ҳолатини баҳолашнинг ноинвазив, оғриқсиз, тежамли ва етарлича информатив текшириш усули таклиф қилинган (Белова Л.А., 2012; Гачечиладзе Д.Г., Берилава Д.В., 2012; Henry-Feugeas MC, Koskas P., 2012). Аҳолига давлат томонидан кафолатланган бирламчи тиббий-санитар ёрдам даражаси ва сифатининг таъминланиши баҳоланган (П.Р. Менликулов, 2006, Д.Т. Ходжиева, 2019, Н.К. Хайдаров, 2019). Неврологик етишмовчилик мавжудлиги фонида инсультдан кейинги эрта ва кечки тикланиш даврида беморларда когнитив бузилишлар, деменция олди бузилишлари кузатилиб, нейропсихологик, нейровизуализацион ва иммунологик кўрсаткичлар орасидаги корреляцион боғлиқлиги асосланган (Ф.Х. Шерназаров, 2007). Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида кўзда тутилган даволаш-профилактика муассасалари тармоғини ташкил қилиш ва жойлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилган.

Ўтказилган тадқиқотларга қарамадан, хорижий адабиётларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам, неврологик касалликларни диагностик ва даволаш мезонлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Шунга мувофиқ, когнитив бузилишлар мавжуд ва бу бузилишлар ривожланиб бориши ҳамда касалликлар хавфи бор беморларни асоратлари олди босқичларида аниқлашга имконият яратувчи нейропсихологик, нейровизуализацион ва нейробиохимик текширувларининг комплекс усуллариини такомиллаштириш бу патологияни эрта аниқлашга ёрдам берган ва янги диагностик имкониятларни очилишига имкон яратган. Бу мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ 06.2012.028 рақамли «Соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий бўғин муассасаларига асаб тизими касалликлари мурожаат қилиш структураси ва рационал менежменти» мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бирламчи тиббий бўғинда оилавий шифокорлар даражасида асосий неврологик синдромлар белгиларини ташхислаш ва касаллик прогнозини оптималлаштириш ҳамда неврологик ёрдамни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бухоро ва Навоий вилояти аҳолиси орасида асосий неврологик касалликларнинг эпидемиологик тарқалганлигини аниқлаш;

анкетали сўровнома усули билан неврологик касалликларнинг нозологик тузилишини, ҳамда касалланишнинг асосий сабабларини баҳолаш;



неврологик беморларга ёрдам кўрсатилишини ташкил қилиш даражасини баҳолаш (тўлиқлиги ва сифати);

аҳолининг бирламчи тиббий бўғин муассасаларига неврологик ёрдам сўраб мурожаат қилишининг ҳажми, тузилиши ва характерини аниқлаш;

неврологик беморларни профилактик чора-тадбирларни олиб бориш ва аҳолининг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омиллар аҳамиятини аниқлаш;

неврологик ҳолатини рўйхатга олиш билан диспансер кузатувлар гуруҳини аниқлаш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий бўғини даражасида неврологик беморларни диагностика қилиш ва даволашнинг янги усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Бухоро вилоятининг икки туманида (Қоракўл ва Когон) ва Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида яшовчи аҳолидан тасодифий репрезентатив танлов шакллантириш йўли билан эркаклар ва аёлларнинг соғлиғи баҳоланган ҳамда неврологик хасталиклари аниқланган 15-79 ёшгача бўлган 3297 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида неврологик статусни комплекс текшируви ва нейровизуализацион усул натижалари ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари:** тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуализацион, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро ва Навоий вилоятида бирламчи тиббий бўғин муассасаларида мурожаатларнинг ошиши билан асосий неврологик касалликлар тарқалиши орасида узвий боғлиқлик аниқланган, ҳамда беморларга кўрсатилган тиббий ёрдамнинг ҳажми ва сифати баҳоланган;

соғлиқни сақлаш тизими амбулатор поликлиника шароитида бирламчи мурожаатлар динамикада ошиши асосида кўрсатиладиган неврологик хизмат турларини кенгайтиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

аҳоли неврологик касалланишида цереброваскуляр касалликлар устун туриши ва қон томир касалликлари асосий омиллиги аниқланган, ҳамда уни мақсадли профилактика самарадорлик кўрсаткичи исботланган;

неврологик беморларга амбулатор поликлиника ва хусусий клиника шароитида ихтисослашган ёрдамга эҳтиёжлик даражаси ва сифати қиёсий баҳоланган;

бирламчи тиббий бўғинда неврологик беморларга ихтисослашган парваришга бўлган эҳтиёж даражасини аниқлаш асосида эрта ташхислаш, даволаш ва профилактик чора-тадбирлари алгоритми оптималлаштирилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилояти соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий бўғинида демографик, тиббий-ташқилий ва кадр хусусиятлари чуқур таҳлил қилинган, оилавий шифокор йўналиши бўйича амбулатор-поликлиник ёрдамни босқичма-босқич қайта ташкил қилишнинг чора-тадбир комплекси ишлаб чиқилган;

далилларга асосланган тиббиёт диагностика ва даволашнинг клиник протоколлари оилавий шифокорларга жорий қилинган, тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ошириши исботланган;

оилавий шифокорларни неврология соҳасидаги амалий тиббий хизматлари ва назарий тамойиллари даражаси баҳоланган;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи тиббий бўғини даражасида неврологик беморларга ташхис қўйиш ва даволаш усуллари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

профилактика тадбирларининг ҳажмини ошириш асосида бирламчи тиббий бўғинда неврология соҳаси бўйича оилавий шифокорлар фаолияти оптималлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотнинг услубияти ва дизайни амалий соғлиқни сақлаш даражасида бажарилганлиги; тадқиқотнинг ўзи мазкур тадқиқот учун қўйилган мақсад, вазифалар ва предметларга мос ҳолда бажарилганлиги, замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, математик-статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, ташхислаш ва профилактик даволашни оптималлаштириш натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколати тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти цереброваскуляр хасталиги фонида касалликнинг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтириш ҳамда цереброваскуляр хасталиги бор беморларда веноз церебрал дисфункциянинг дастлабки намоён бўлишини эрта ташхислаш бўйича алгоритм дастурларини такомиллаштириши, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириши, касаллик асоратлари ҳамда сурункали неврологик касалликларни камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти неврологик касалликлар оғирлик даражаси, касалликнинг кечиш босқичлари, беморлардаги коморбид фонни ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган терапия тактикаси даволаш самарадорлигини оширганлиги ва цереброваскуляр касалликларни коррекциялаш асосида сурункали мия ишемияси зўрайишини сезиларли камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ташхислаш ва даволаш терапиясининг оптимал тактикаси танланиши натижасида цереброваскуляр хасталиги зўрайишини секинлаштириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бирламчи тиббий бўғинда аҳолига неврологик ёрдам кўрсатиш концепциясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

неврологик касалликларнинг эрта ташхисоти бўйича олинган илмий натижалар асосида «Неврологик оғриқлар, симптомлар ва синдромлар хусусияти» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-р/442 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома неврологик касалликларнинг сабабини аниқлашда ва диагностикаси, профилактикасига комплекс ёндашувида фойдаланиш имконини берган;

умумий амалиёт шифокорларининг фаолияти, менежмент терапияси бўйича олинган илмий натижалар асосида «Умумий амалиёт шифокорининг ташкилий фаолияти ва унинг етакчи функциялари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 8н-р/441 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома неврологик статуснинг ҳолати ва асаб тизими касалликларининг диагностикасининг самарадорлигини яхшилаш, даволаниш муддатини қисқартириш, асоратлар ва такрорий госпитализациялар сонини камайтириш имконини берган;

неврологик касалликларни ривожланишини эрта диагностик мезонларини қўллаш ва замонавий даволаш тамойилларини такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Когон ва Қорақўл туманларининг оилавий поликлиникалари, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва 2-сонли оилавий поликлиника амалиётига амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 16 мартдаги 8н-з/50-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари неврологик касалликларни эрта босқичларида ташхислаш, прогнозлаш ва замонавий дифференцияллашган даволаш муддатини қисқартириш ҳамда асоратларни олдини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 7 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 169 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, уларнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари таърифланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бирламчи тиббий бўғини даражасида аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи ҳамда сўнгги йилларда цереброваскуляар хасталиклари бўйича чоп этилган материаллар баён этилган. Бирламчи тиббий бўғинда неврологик касалликларнинг тарқалиши ва оилавий шифокорга беморларнинг муурожаати, ҳамда

касалланишларни олдини олиш бўйича профилактика чораларининг замонавий усуллари, ташхислаш ва даволашга ёндашувларнинг қисқача баёни келтирилган.

Диссертациянинг “Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари” деб номланган иккинчи бобида оилавий шифокорларнинг фаолият тури, йиллик, кунлик юкламаси, бирламчи тиббий бўғинга мурожаат қилиш бўйича аҳолининг касалланиш тузилиши батафсил келтирилган. Тадқиқотда Бухоро ва Навоий вилоятларининг (Қорақўл, Когон, Қизилтепа) туманларидаги аҳолидан тасодифий репрезентатив танлов шакллантириш йўли билан эркаклар ва аёлларнинг соғлиғи баҳоланган ҳамда неврологик хасталиклари аниқланган 15-79 ёшгача бўлган 3297 нафар бемор олинган.

Тиббий инфратузилма: Бухоро вилояти марказий касалхоналари, туман касалхоналари ва Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали мавжуд (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Бухоро ва Навоий вилоятларидаги тиббиёт муассасаларининг инфратузилмаси

Вилоят	Умумий аҳоли сони	ТТБ	КТМП	ҚОП	ҚВП
Бухоро	1932500	13	13	10	93
Навоий	721553	10	10	35	91

Умумий аҳоли сони 721533 нафар киши бўлган Навоий вилоятида 10 та туман тиббиёт бирлашмаси (ТТБ), 10 та кўп тармоқли марказий поликлиника (КТМП), 35 та қишлоқ оилавий поликлиника (ҚОП) ва 91 та қишлоқ врачлик пункти (ҚВП) мавжуд.

Эпилепсия эпидемиологиясининг ўрганилиши Бухоро вилоятининг Когон, Қорақўл туманларида ва Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани ҳудудида ўтказилди. Цереброваскуляр касалликлар ва ўтиб кетувчи бош миёда қон айланишининг бузилиш эпидемиологик тадқиқоти учун аҳолини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган стандарт усули билан бир вақтда скрининг тадқиқот усули қўлланилган. Миёда қон айланишининг бузилиши (МҚАБ), дисциркулятор энцефалопатия (ДЭ), миёда инсулти (МИ), миёда қон айланишининг дастлабки бузилишлари (МҚАДБ), транзитор ишемик ҳужумлар (ТИХ) ва церебрал гипертоник кризларнинг бошланғич кўринишларининг тарқалганлиги умумий мезонлар бўйича аниқланди.

Юқорида келтирилган оилавий поликлиникаларда умумий амалиёт шифокорларига мурожаатлар тузилишида неврологик касалликларнинг солиштирма вазни ва нозологик тузилмаси, аниқланаётган ташхислар ва тайинланган даволаш усуллари тўғрилиги ҳамда монандлиги ретроспектив усулда ўрганилди. Неврология соҳасида оилавий шифокорларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш сўровнома асосида ўтказилди.

Статистик қайта ишлаш ва умумий қабул қилинган вариацияли усуллари қўлланилди. Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар статистик фарқлар

кутубхонасидан фойдаланиб MS Excel 2017 пакетида ишлаб чиқилган дастурларда шахсий компьютерда қайта ишланди. Статистика фарқларининг ишончилиги Стюдент мезони ёрдамида баҳоланди. Аҳамият даражаси камида 95% бўлганида фарқлар статистик ишончли деб топилди.

Дисертациянинг учинчи бобида “**Неврологик синдромлар ва асаб тизимининг касалликларини тарқалганлиги ва тузилмаси**” 18 дан 70 ёшгача бўлган эркак ва аёлларни Бухоро ва Навоий вилояти аҳолиси орасида асосий неврологик хасталикларнинг эпидемиологик тарқалганлигини баҳолаш мақсадида стандарт танловли ўрганилишига бағишланган. 15-79 ёшли эркаклар ва аёллар популяциясида маълум цереброваскуляр касалликлар ҳолатлари тарқалганлигининг стандартлаштирилган кўрсаткичи мос равишда 14,54% ва 16,08% ни ташкил этди, ўтиб кетувчи бош миёда қон айланишининг бузилиши (ЎКБМҚАБ) эса – мос равишда 19,25% ва 17,7%. Цереброваскуляр касалликлар ва ЎКБМҚАБ тарқалганлиги ёш ўтиши билан ошди.

## 2- жадвал

### Текширилган шахсларнинг ёш-жинс бўйича таркиби

Жинс/ёш	15-19 ёш		20-44 ёш		45-64 ёш		65-79 ёш		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Эркаклар	90	26,55	88	25,96	105	30,97	56	16,52	339	100
Аёллар	81	25,1	83	25,2	101	31,26	57	17,65	323	100

Қишлоқ оилавий поликлиникаларида шифокорларига беморларнинг тиббий ёрдам учун мурожаатларини таҳлил қилиш мақсадида биз 2016-йилдан 2018-йилгача бўлган даврда Бухоро ва Навоий вилоятларидаги ҚОП ва ҚВП да рўйхатга олиш журналларини таҳлил қилдик.

ҚОП га умумий мурожаатлар 83,0% ни ташкил этди. Сўнги 3 йилда ҚОП га умумий мурожаатларнинг ортиш тенденцияси кузатилди, шу тариқа агар 2016-йилда умумий ташрифлар сонидан  $23,5 \pm 0,29\%$  кузатилган бўлса, унда 2019-йилда бу рақам 1,3 марта ўсиб,  $30,0 \pm 0,31\%$  ни ташкил қилди ( $P < 0,05$ ).

Аксарият ҳолатларда оилавий шифокорларга ташриф сабаби касалликлар бўлди (65,1%), иккинчи ўринда – шифокорга диспансеризация юзасидан ташрифлар (20,0%) ва кейинги ўринда профилактик кўрик учун ташриф (14,9%) ни ташкил қилди.

Маълумки, беморнинг амбулатор-поликлиника муассасасига мурожаати боғлиқ равишда ташрифи бирламчи ва такрорий ташрифларга бўлинади, яъни бир бемор бир сабаб юзасидан даволовчи шифокор билан бир неча бор учрашади. Ташрифлар мурожаатининг кўрсаткичи шифокор ва бемор ҳаракатларини баҳолаш имконини беради, чунки такрорий ташрифлар етарли миқдорда бўлганида даволовчи шифокорда кузатиш, яъни шифокор тайинлаган у ёки бошқа тадбирларнинг касаллик кечувига таъсирини ёки уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш имконияти пайдо бўлади (3-жадвал).

## 3- жадвал

Касалликлар гуруҳи бўйича ҚОП га бирламчи ва такрорий мурожаат  
қилиш

№	Синф номи	Жами		Бирламчи		Такрорий	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%
I	Инфекцияли ва паразит касалликлар	2971	11,6±0,20	2524	11,87±0,22	496	11,39±0,48
II	Онкологик касалликлар	39	0,15±0,02	26	0,12±0,02	15	0,34±0,09
III	Эндокрин тизим касалликлари	195	0,76±0,05	153	0,72±0,06	60	1,38±0,18
IV	Қон ва қон яратувчи аъзоларнинг касалликлари	1890	7,38±0,16	1408	6,62±0,17	465	10,68±0,47
V	Рухий касалликлар	648	2,53±0,10	544	2,56±0,11	120	2,76±0,25
VI	Неврологик касалликлари	5738	22,40±0,26	4895	23,02±0,29	781	17,93±0,58
VII	Қон айланиш тизимининг касалликлари	3440	13,43±0,21	2752	12,94±0,23	691	15,87±0,55
VIII	Нафас олиш аъзоларининг касалликлари	5116	19,97±0,25	4397	20,68±0,28	691	15,87±0,55
IX	Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг касалликлари	2500	9,76±0,19	1952	9,18±0,20	541	12,42±0,50
X	Таносил тизимининг касалликлари	1574	6,14±0,15	1318	6,20±0,17	270	6,2±0,37
XI	Ҳомиладорлик, туғиш ва туғуруқдан кейинги даврда асоратлар	216	0,84±0,06	140	0,66±0,06	90	2,07±0,22
XII	Тери ва тери ости бириктирувчи тўқима касалликлари	26	0,10±0,02	26	0,12±0,02	0	0
XIII	Суяк-мушак тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари	800	3,12±0,11	710	3,34±0,12	105	2,41±0,23
XIV	Туғма аномалиялар	39	0,15±0,02	38	0,18±0,03	0	0
XV	Перинатал даврда вужудга келувчи алоҳида ҳолатлар	39	0,15±0,02	38	0,18±0,03	0	0
XVI	Белгилар, аломатлар ва ноаниқ белгиланган ҳолатлар	14	0,05±0,01	13	0,06±0,02	0	0
XVII	Жароҳатлар ва захарланишлар	370	1,44±0,07	330	1,55±0,08	30	0,69±0,13
	Жами синфлар бўйича	25615	100	21264	83,0±0,23	4355	17,0±0,23

Жадвалдан кўриниб турибдики, бирламчи ташрифлар 83% ни ташкил қилди, бунда такрорий ташрифлар бор йўғи 17%. ҚОП да оилавий шифокорга энг кўп ташрифлар асаб тизими касалликлари синфи бўйича кузатилди ( $22,40 \pm 0,26$ ). Иккинчи ўринда нафас олиш аъзоларининг касалликлари ( $19,97 \pm 0,25$ ), учинчи ўринда қон айланиш тизимининг касалликлари ( $13,43 \pm 0,21$ ) ва тўртинчи ўринда инфекцияли ва паразитли касалликлар ( $11,6 \pm 0,20$ ). Кейин овқат ҳазм қилиш аъзоларининг касалликлари ( $9,76 \pm 0,19$ ), таносил тизимининг касалликлари туради ( $6,14 \pm 0,15$ ) ва ҳоказо. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, яқунда бирламчи ва такрорий ташрифларнинг солиштирма вазни шунга ўхшаш тарзда тақсимланди.

Шундай қилиб, касалликлар орасида энг кўп миқдор неврологик касалликларга тўғри келди, улар  $22,4 \pm 0,26\%$  (1-расм) ни ташкил қилди. Неврологик касалликлар тарқалганлигини ўрганиш учун туманларнинг танланган рўйхатидан, ўрганилаётган 3 тумандан 15-79 ёшли 5738 нафар шахс тасодифан танлаб олинди.

ҚОП га асаб касалликлари юзасидан мурожаат қилган барча беморлардан 29,3% и “Д” ҳисобда туради. Диспансер ҳисобида неврологик касалликларнинг асосий гуруҳини дисциркулятор энцефалопатия, миёда қон айланишининг ўткир ва ўтиб кетувчи бузилиши, мигрен бўлган беморлар ташкил этади (3-жадвал). Сўнгги 3 йилда қуйидаги касалликларни салмоғи камайиши: томир тортишиш синдроми, дискулятор энцефалопатия (енгил даражаси), энцефалопатиялар, шунингдек невритлар, невралгия, радикулитлар, полинейропатия, миёда қон айланишининг ўткир бузилиши (МҚЎБ) бошдан кечирилганидан кейинги ҳолатларнинг эса ошиш тенденцияси кузатилди.



1- расм. Ўрганилган туманларнинг ўзига хос хусусиятлари ва неврологик касалликларнинг тарқалганлиги

**ЎзР ССВ 80-сонли буйруғига мувофиқ неврологик касалликлар билан  
“Д” ҳисобда турган беморларнинг сони**

Касалликлар гуруҳи	Диспансер ҳисобида туради					
	2016 й. (n=487)		2017 й. (n=576)		2018 й. (n=620)	
	абс	%	абс.	%	абс.	%
1.Эпилепсия	45	9,24±1,31	49	8,5±1,16	53	8,5±1,12
2. Мигрен	43	8,83±1,29	46	8,0±1,13	50	8,1±1,10
3.Дисциркулятор энцефалопатия (енгил даража)	129	26,5±2,0	130	22,5±1,74	135	21,8±1,66
4.Невритлар ва невралгия (енгил даража)	21	4,3±0,92	36	6,2±1,0	38	6,1±0,96
5.Радикулит (енгил даража)	43	8,83±1,29	64	11,1±1,31	67	10,8±1,25
6.Невритлар ва радикулитлар (оғир кечуви)	7	1,44±0,54	18	3,1±0,72	19	3,0±0,69
7.Полинейропатиялар	23	4,72±0,96	32	5,5±0,95	34	5,5±0,92
8. Ўтиб кетувчи миёда қон айланишининг бузилиши	54	11,1±1,42	56	9,7±1,23	64	10,3±1,22
9. Миёда қон айланишининг ўткир бузилиши (инсултлар)	43	8,83±1,29	47	8,1±1,14	52	8,4±1,11
10. Миёда қон айланиши бузилишининг дастлабки ҳолати	23	4,72±0,96	35	6,1±1,0	37	6,0±0,95
11.Энцефалопатиялар	38	7,8±1,22	40	6,9±1,1	42	6,8±1,0
12. Паркинсон касалиги	18	3,7±0,86	25	4,3±0,85	29	4,7±0,85

Бу беморларни кузатиш давом эттирилганида, улар орасида 27,7% оилавий шифокорининг доимий кузатувиға муҳтожлигини аниқладик (1123).

Неврологик беморларни текшириш натижаларига кўра диспансер кузатуви рўйхатига кирмаган бошқа неврологик касалликлар гуруҳи аниқланди. 5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, диспансер кузатуви билан қамраб олинмаган аксарият беморлар “Умуртқаларо дисклар патологиясида нерв илдизлари ва тўқималарининг эзилиши” ташхисига эга беморлар ҳисобланади, 2016-йилда – 89 та, 2017-йилда – 113, 2018-йилда – 123.

Шундай қилиб, олинган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, неврологик касалликлар юзасидан мурожаат қилган беморларнинг барчасига ҳам етарлича эътибор берилмаган, оилавий шифокорларда неврологик касалликлар бўйича билимлар етарли бўлмаганлиги туфайли бундай



шифокорлар 2 ойли малака ошириш курсини ўтиши зарур, бунда улар оилавий шифокорга қўйиладиган замонавий талабларга биноан ўз малакаларини ошириши мумкин.

## 5- жадвал

### “Д” назоратида турмайдиган, неврологик касалликлар беморларининг гуруҳи

Касалликлар гуруҳи	Диспансер ҳисобида турмайди					
	2016 й.(n=301)		2017 й. (n=378)		2018 й.(n=444)	
	абс.	%	абс.	%	абс	%
1. Цереброваскуляр касалликлар	97	32,2±2,7	126	33,3±2,4	164	36,9±2,3
2. Эпилепсиянинг бошқа турлари ва эпилептик синдромлар	30	10,0±1,7	32	8,5±1,4	45	10,1±1,4
3.Умуртқалараро дисклар патологиясида нерв илдиэлари ва тўқималарининг эзилиши	89	29,6±2,6	113	29,9±2,4	123	27,7±2,1
4.Асаб тизимининг шикастланиши (жароҳатлар, гипоксик ва асфиксик, инфекцияли)	65	21,6±2,4	54	14,3±1,8*	67	15,1±1,7*
5.Асаб тизимининг ревматик шикастланиши	9	3,0±0,98	11	2,9±0,86	18	4,1±0,94
6.Орқа мия жароҳати	11	3,6±1,1	42	11,1±1,6*	27	6,1±1,1 <sup>a</sup>

Эслатма: \* - 2017-йилга нисбатан ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01).

Биз уч йиллик даврда миёда қон айланиши бузилишининг дастлабки ҳолатида 30-59 ёшли 52 нафар беморда (17 нафар эркак ва 35 нафар аёл) профилактика чораларининг самарадорлигини ўргандик. Қуйидаги профилактика чоралари ўтказилди:

1. Кетле индекси >27 бўлганида тананинг ортиқча вазнини камайтириш.
2. Гиподинамия ва семириши бўлган шахслар учун жисмоний машқлар (қунига 3-4 марта).
3. Чекишдан воз кечиш.
4. Гиперхолестеринемияси бўлган шахсларда парҳезнинг модификацияси.

Йилига икки марта бу инсонлар вазофаол препаратлар билан даволанишди (кавинтон, мексидол, танакан, трентал, циннаризин). Таблеткалар 2 ой давомида қунига 2 маҳал 1 таблеткадан тайинланди. Зарурият бўлганида антигипертензив терапия ва гипохолестерин парҳез тайинланди.

МҚЎБ характери ва кечуви, фаолиятининг ва ишга лаёқатлилиқнинг бузилиш даражасига мувофиқ диспансер гуруҳларига ажратилди: бевосита даволанган стационардан чиққандан кейин инсулт билан оғриган беморлар (45 нафар); йилига 2-3 марта такрорланадиган ўКМҚАБ беморлар, бевосита стационардан чиқарилгандан кейин ёки “уйда стационар” шароитда даволанаётган беморлар (56 нафар киши); йилига 1 мартадан ортиқ такрорланмайдиган ўКМҚАБ беморлар (85 нафар киши); сўнгги МҚЎБ ҳолати 1 йилдан кам бўлмаган муддатда содир бўлган, ўКМҚАБ ни бошидан кечирган ва инсулт оқибатларига эга беморлар (18 нафар киши).

Беморлар йилига икки марта комплекс текширувдан ўтиш учун поликлиникага чақирилади (неврологик кўрик; лаборатор диагностика;

зарурият бўлганида кўшимча тадқиқот методлари - электроэнцефалография, эхоэнцефалография, реоэнцефалография, компьютер томографияси, терапевт, кардиолог ва эндокринолог маслаҳати). Инсулт такрорланишининг хавфини камайтириш мақсадида профилактика чоралари ўтказилади (қон босимини нормаллаштириш, холестерин даражасининг камайтирилиши, вазофаол ва ноотроп терапия курслари, дезагрегант терапия, витаминотерапия, физиотерапия, массаж ва даволовчи жисмоний тарбия, логопед билан машғулотлар).

Тиббиёт марказларида вертеброневрология хонаси очилган, унда мануал терапия, рефлексотерапия ва даволовчи гимнастика муолажалари ўтказилади. Ҳар куни хонага 17-19 нафар бемор келади. Тадқиқотимиз давомида, МҚАБ аниқланганлар ичидан 85 нафар инсон хонага ташриф буюрди. Ўтказилган даволашдан 53 нафар инсон яхши таъсир кузатишди, 23 нафар – кониқарли, 9 нафар инсон яхшиланиш сезишмади.

Юқорида келтирилган тадқиқотдан цереброваскуляр касалликлар ривожланиши хавfli омилларини назорат қилиш учун алгоритм ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, ўтказилган иш доирасида Бухоро вилояти аҳолисига неврологик ёрдам кўрсатилишини такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилди: инсулт ва эпилепсия беморларнинг диспансер кузатуви ташкил қилинди, ангионеврология ва вертеброневрология хоналари очилди.

Диссертациянинг тўртинчи **“Бирламчи тиббий бўғинда аҳолига неврологик ёрдам кўрсатилишини такомиллаштириш йўллари”** бобида бирламчи тиббий бўғинда неврологик ёрдам ташкил этиш модели батафсил ёритилди. Умумий амалиёт шифокорлари МҚАБ, Паркинсон касаллиги, тутқаноқ синдроми, полинейропатия, бошдан кечирилган МҚЎБ, мияда қон айланишининг ўткир бузилишлари каби хасталикларда олиб бориш масаласида

Бир неча йил давомида (2016-2018-йиллар) малака оширишнинг замонавий тизимини ташкил этишга ёндашувлар ўзгарди: илгари амалда бўлган “тезликни таъминлаш” тамойилидан “эҳтиёж бўйича” ўқитишни ташкил қилишга ўтиш зарур бўлди. Сўнгиси бир томондан, ўқитишнинг натижавийлигига талабнинг ортганлиги, бошқа томондан эса - мутахассислар фаолиятининг ҳар бир турида ўқиш роли ва жойи ўзгариши билан боғлиқ бўлди. “Эҳтиёж бўйича” тамойилларининг амалга оширилиши асосий вазифаси шифокорнинг малака ошириш тизимида таълим жараёнининг субъекти сифатида шаклланиши бўлган ўқитиш усуллари ва технологияларидан фойдаланишни кўзда тутилган. Бундай субъектив ёндашувнинг шаклланиши ўз фаолиятини такомиллаштириш заруриятини тушуниш, ўқиш орқали ривожланишга бўлган эҳтиёжни англаш қобилияти билан боғлиқ.

Цереброваскуляр касалликлар ва МҚАБ эпидемиологик жиҳатларини ўрганилиши, шунингдек шифокорларда сўровнома ўтказилганида уларнинг 37,5% ни тутқаноқ синдроми ва эпилепсия касаллигини даволашда қийналишлари белгиланиши натижасида тадқиқотнинг кейинги босқичи 662 нафар беморни батафсил ўрганишдан иборат бўлди, уларнинг 44,4% и – цереброваскуляр касалликлари, 44,6% и МҚАБ, 10,8% ни эпилепсияга эга.

УАШ хонаси турли-туман портатив тиббий ускуналар билан жиҳозланган, УАШ фаолиятининг ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган. Ҳар хил йўналишларда тиббий ускуналарнинг зарурияти эътиборга олинди, шу сабабдан УАШ электрон отоскоп ва офтальмоскоп, глюкометр, камертон, неврологик болғача ва диагностика фонари билан таъминланди. Маслаҳат диагностик марказида рўйхатга олиш бўлими ҳам кейинчалик қайта тузилди. УАШ учун уйга телефон орқали беморлар чақирувларни қабул қилиш мажбуриятини олди. Бунда амбулатория карталарини сақлаш бўйича мажбурият УАШ хоналарининг зиммасига юклатилди.


Ҳамширалар учун янги маъмурий постлар ташкил қилинди, уларнинг мажбурияти беморларнинг оқимини тор доирадаги мутахассисларга йўналтиришни ўз ичига олди. Тўғри ёндашув ва бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг устуворлиги УАШ ишида асосий принципларга айланди. Тўғри ёндашув, қабул вақтида ҳамда уйга чақирувларга боришда иш вақтини тўғри тақсимланиши ифодаланди. Хоналарнинг телефонлар билан жиҳозланиши УАШ, бемор ва ҳамшира ўртасида бевосита алоқани таъминлади, бу чақирувга аризаларни объектив танлаш ҳамда уларнинг умумий сонини 30-40% га камайтириш имконини берди (2 -расм).

Таҳлил шуни кўрсатдики, 2016-йилдан УАШ иш кунининг тартиби ва вақтининг ўзгариши белгиланган. У уйда тиббий ёрдам кўрсатиш вақтини камайтириш ва поликлиниканинг ўзида қабул давомийлигини оширишда тавсифланди. Поликлиникада қабул қилишнинг ўртача вақти 4 соат ва уйда қабул вақти 3 соат, поликлиникада 6 соат ва уйда 1 соат-у 42 дақиқагача ўзгартирилди. Келтирилган ташкилий чоралар бирламчи қабул вақтини 20 дақиқагача, такрорий қабул вақтининг эса 18 дақиқагача ортишига олиб келди.

Шунингдек, дам олиш кунлари тор доирадаги мутахассисларнинг профилактик кўриги ҳамда лаборатория таҳлилларини топшириш учун шароитлар ташкил этилди.

Дам олиш кунлари шифокор кўриклари ҳамда таҳлил қабул қилинишининг ташкил этилиши аҳоли учун қулайлик яратиб, уларнинг тиббий фаоллигини оширди. Охир-оқибатда бу УАШ га беморларнинг ўз вақтида мурожаат қилиш ҳиссасини ошишига ҳамда касалликларнинг эрта аниқланиш кўрсаткичлари яхшиланишига олиб келди, бу даволашни эрта тайинлаш имконини берди.

Марказнинг маъмурияти ва унинг ходимлари УАШ фаолиятининг тартиби ва принциплари тўғрисида аҳоли билан кенг тушунтириш ишларини олиб борди. Аҳолига УАШ нинг фамилияси, исми ва шарифи, унинг ишчи телефон рақами ва иш графиги кўрсатилган визиткалар тарқатилди.



2-расм. 2016-2018-йилларда УАШга бириктирилган аҳолининг уйга ташриф буюриш динамикаси.

Оилавий шифокор самарали мутахассислар тоифасига киради ва унинг асосий ўзига хослиги ҳам аҳоли орасида профилактика фаолиятини таъминлаш, ҳам касаллик юзасидан бирламчи муружаатда беморлар эҳтиёжини юқори эҳтимоли бор даражада қондириш ҳисобланади.

Оилавий шифокорнинг ўз беморларини бошқа шифокорлар – тор ихтисосликдаги мутахассисларга йўналтириш частотаси ва сабабларини таҳлил қилиш аҳамияти ана шундан келиб чиқади.

Ҳар бир УАШ хонаси беморларни саралаш имконини берувчи телефон билан жиҳозланди, бу УАШ ва тез тиббий ёрдамнинг асосиз чақирилишларини камайишига олиб келди. УАШ фаолияти ва унинг ҳужжат юритиш самарадорлигини ошириш мақсадида хоналар шунингдек шахсий компьютерлар билан жиҳозланди, уларга “Поликлиника” дастури ўрнатилди. Мазкур дастурдан фойдаланиш беморларни даволаш динамикасида, улар ҳақида маълумотларни ўз вақтида ва тез топиш имконини берди. Дастур беморларни диспансер кузатувини ташкил қилиш, уларнинг турли гуруҳларини рўйхатларини яратиш, беморларни қабул қилиш куни ва вақтини режалаштириш, хона фаолияти ва берилган дорилар бўйича статистика юритиш имконини берди. Тиббий ходимларнинг маоши кафолатланди, ишчиларни рағбатлантириш мақсадида қўшимча мукофот пуллари кўзда тутилди. Ўтказилган тадқиқот асосида, УАШ тизимининг жорий қилиниши тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича бутун жараён кетма-кетлиги такомиллашиши ва унинг самарадорлиги ортишига олиб келганлиги исботланди.

Оилавий шифокорнинг неврологик беморларни бошқа мутахассисларга йўналтириш ҳолатларининг таҳлили алоҳида аҳамиятга эга (6-жадвал).

## Марказий туман поликлиникасида неврологик беморларга кўрсатиладиган диагностик ёрдам ҳажми (n=662)

Касалликлар гуруҳи	Жами	Мустақил диагностик ёрдам		ТТБ га йўналтириш		Вилоятга неврологга йўналтириш		Вилоят касалхонаси га йўналтириш	
		абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1.Тутқаноқ синдроми	73	14	26,4±6,1	23	43,4±6,8	5	9,4±4,0*	11	20,8±5,6
2. Мигрен	76	29	58,0±7,0	17	34,0±6,7*	2	4,0±2,8***	2	4,0±2,8***
3.Дисциркуля тор энцефалопатия	82	27	58,7±7,3	9	19,6±5,9***	3	6,5±3,6***	7	15,2±5,3***
4.Невритлар ва невралгия	63	9	23,7±6,9	5	13,2±5,5	8	21,1±6,6	16	42,0±8,0
5.Радикулит	76	32	62,8±6,8	9	17,6±5,3***	6	11,8±4,5***	4	7,8±3,8***
6.Ўтиб кетувчи бош миёда қон айланишининг бузилиши	59	8	23,5±7,3	14	41,2±8,4	4	11,8±5,5	8	23,5±7,3
7. Миёда қон айланишининг ўткир бузилиши (инсултлар)	68	11	24,4±6,4	7	15,6±5,4	23	51,1±7,5*	4	8,9±4,2*
8. Миёда қон айланишни бузилишининг дастлабки ҳолати	62	12	32,4±7,7	18	48,7±8,2	5	13,5±5,6*	2	5,4±3,7**
10.Церебро- васкуляр касалликлар	38	23	60,5±7,9	6	15,8±5,9***	6	15,8±5,9***	3	7,9±4,4***
11.Эпилепсиялар ва эпилептик синдромлар	59	8	27,6±8,3	3	10,3±5,6	7	24,2±8,0	11	37,9±9,0
12. Умуртка лараро дисклар патологиясида нерв илдизлари ва тўқималар эзилиши	57	9	25,7±7,4	7	20,0±6,8	9	25,7±7,4	10	28,6±7,6

Эслатма: мустақил кўрсатилган ёрдам билан таққослаганда ишончли (\*-P<0,05; \*\*-P<0,01; \*\*\*-P<0,001).

